

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№88 (6.613). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА

ШОИРНИНГ ҚИСМАТИ



САКУЛ-САХРО МУХАММАД

(1-4-саҳифаларда)

“ОҚ АЖАЛ”НИНГ ДАХШАТИ

(1-2-саҳифаларда)

ПРЕЗИДЕНТ ПОЛЬШАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневскийнинг таклифига биноан 10 июл куни расмий таширф билан Варшава шаҳрига жўнаб кетди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан интервью берди.

Польша ҳақида гапирганда, энг аввало, бизни бу мамлакат билан кўп йиллик тарих боғлаб туришини айтиш керак, - деди Президент. - XIX асрда чор Россиясига қарши кўзғолон кўтарган поляклар мамлакатимиз ҳудудига сургун қилинган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида қаттагонга учраган поляклар учун ҳам юртимиз иккинчи Ватан бўлган. Айна пайтда мамлакатимизда истиқомат қилаётган поляк миллилатига мансуб аҳоли Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ўқу юрларимизда поляк тили ўргатилаётгани, умуман, юртимиздаги поляклар миллий ўзлигини сақлаб келаётгани бу фикрнинг аққол далили бўла олади.

Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорликка келасак, бизда ҳам, уларда ҳам ўзаро алоқалар микёсини янада кенгайтириш, ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиш истаги борлигини айтиш жоиз. Польшада ҳокимият тепасига Александр Квасьневский келгач, бу истақ, хайрихолик янада кучайди. Утган йил октябр ойида Польша Президенти мамлакатимизга таширф буюрган чоғида бунга яна бир бор амин бўлди.

Жўроғий жойлашиши, коммуникация, автомобиль ва темир йўллари жиҳатдан кенг имкониятларга эга бўлган, ялли ички маҳсулоти 200 миллиард АҚШ долларидан ошувчи, ўзининг юксак салоҳиятидан оқилона фойдаланаётган Польша билан ҳамкорлик бизнинг манфаатларимизга ҳар томонлама мос келади. Польша яқиндаги НАТОдек нуфузли ташкилотга аъзо бўлгани, 2004 йили эса Европа Иттифоқига қўшилишини ҳисобга олсак, жаҳон микёсидаги нуфузи кундан-кун ортиб бораётган бу мамлакат билан ҳамкорлик биз учун ҳар жиҳатдан муҳим экани янада яқинроқ намоён бўлади.

Европанинг етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этилаётган Польша билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида гапирганда, бу соҳадаги натижалар, афсуски, мамлакатларимизнинг салоҳиятига жавоб беролмаслигини айтиш керак. Шу сабаб Варшавага таширфимиз чоғида иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Сафар давомида саккизта ҳужжат имзоланиши кўтилмоқда. Улар орасида Польшанинг Ўзбекистонга имтиёзли кредит ажратишига оид ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Умумий қиймати 30 миллион АҚШ доллари тенг иккита кредитнинг ярами мамлакатимиздаги таълим муассасаларини қайта таъмирлаш учун сарфланади.

(ЎЗА)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАРШАВА УЧРАШУВЛАРИ

ВАРШАВА. 10 июл. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Польша Президенти саройидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамда Польша Президенти Александр Квасьневскийнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Польша алоқаларини ривожлантириш, мамлакатларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, долзарб халқаро масалалар, хусусан, Афғонистонни тиклаш, халқаро ташкилотлар, дастур ва лойиҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида эса томонлар Ўзбекистон-Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Ҳужжат имзолаш маросими аввалида мамлакатимиз раҳбари Польша Президентига ҳаёт тақозоси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдирини ўзида акс эттирувчи архив ҳужжатларини топширди. А.Квасьневский бу хайрли ишни катта хайри-саховат сифатида қабул қилишини таъкидлаб,



Ислам Каримовга чукор миннатдорлик билдирди.

Ҳужжат имзолаш маросимида ҳукуматлар ўртасида иккита кредит битими, божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобил катнови тўғрисидаги битим-

лар имзоланди. Ўзбекистон мудофаа вазирлиги ва Польша миллий мудофаа вазирлиги ўртасида харбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини тўғрисидаги битим-

ро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Польша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республи-

каси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшанинг «Банк государства краевого» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекилди.

Ислам Каримов ҳамда Александр Квасьневскийнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида музокаралар чоғида муҳокама қилинган масалалар, икки мамлакат ҳамкорлигининг диққатга сазовор жиҳатларига оид ахборот берилди. Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Варшавадаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярида Польша Парламентида ўтказилган учрашув чоғида Ислам Каримов Польша Сенати раисининг ўринбосари Й.Данеляк хоним ҳамда Польша Республикаси Сейми маршали М.Боровский билан учрашди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Польша ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни жадаллаштириш, мавжуд ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, томонлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишга оид масалалар тўғрисида сўз борди.

Президентимизнинг Польшага расмий таширфи давом этмоқда.

СУРАТДА: таширф пайтидан ваъда.

А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:

ҲАМКОРЛИК МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонасида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавкулотида ва муҳтор элчиси Анатолий Касьяненко икки мамлакат ўртасидаги яқин муносабатлар, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликнинг бугунги аҳволига тўхталди.

Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда, - деди элчи. Жумладан, рақамларга назар ташласак, утган олти ой ичида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ортиб, 160 миллион АҚШ доллари етди. Бунда, шубҳасиз, икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган ахдлашувлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда Украинанинг йирик компаниялари мамлакатимиз бозорига фаол кириб келмоқда. Хусусан, йил бошида «Донбасс санаот уюшмаси» корпорацияси Ўзбекистонга катта ҳажмдаги қувурлар, бургилаш ва конларни қидиришда фойдаланиладиган техника етказиб бериш

учун ўнта шартнома имзолаган эди. Утган олти ой давомида ушбу корхона мамлакатимизга қиймати қарийб 10 миллион АҚШ долларига тенг махсулот етказиб берди.

Украинанинг «Сож Инвест» молия-саноат компанияси билан «Ўзабел» давлат акционерлик компанияси кабел маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилиши ниҳосига етиш арафасида турибди. Бундан ташқари мазкур компания Олмалик кон-металлургия комбинати билан ҳам қўшма корхона тузишни режалаштирган.

Икки мамлакат таълим соҳасида ҳам ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу йил 31 нафар ўзбекистонлик икитдорли йигит-қиз турли йўналишлар бўйича Украинанинг нуфузли таълим муассасаларида тахсил олади.

Улар фойдали қазилмалар, тоғ-кон санаоти, металлургия, экология каби соҳалар бўйича беш йил давомида билим ва малакаларини оширади. Талабаларнинг ўқиш харажатларини Украина томони ўз зиммасига олган.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Н.ДУШАЕВ).

Оққўрган туманининг «Оққўрган» ширкат хўжалигида бўлиб ўтган йилги ишда галла ўрими-йигимини муваффақиятли якунлаш, ҳосилдан бўшган майдонларга такрорий экин экиш ҳамда гўза парваришига доир кечиктириб бўлмайдиган вазирлар юзасидан кенгашиб олинди.

Кенгашини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Вилоят фаллакорлари бу йил мўл ҳосил етиштирди. Айна кунларда далаларда 280 ўрим агрегати, жумладан, 192 «Кей» юқори унум билан ишлатилмоқда. Чиноз ва Тошкент тумани фаллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб давлат дон сотиш шартнома-режасини бажарди. Вилоят фаллакорлари бу йил давлат оморларига 297 минг тонна дон етказиб берди.

ГўЗА ПАРВАРИШИ ДОЛЗАРБ ПАЛЛАГА КИРДИ

Ўрими-йигим масаласида вилоят фаллакорлари барча имкониятларини ишга солмақда. Аммо ҳосилдан бўшган майдонларни шудгорлаш, такрорий экин экиш борасидаги аҳвол кўнглидагидай эмас. Бу ишга эътиборни кучайтириш керак.

Семинар-кенгашда гўза парваришининг аҳоли ҳам атрофича кўриб чиқилди. Вилоят киштак ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари, туман ҳокимларининг бу борадаги ахборотлари тингланди.

Бундан бир ой аввал бўлиб ўтган йилги ишда айна шу масала муҳокама этилган, гўза парвариши билан боғлиқ камчилик ва нуқсонлар кескин танқид остига олинган, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган эди.

Натижада бугунги кунда гўза парваришидаги аҳвол бирмунча ижобий томонга ўзгарди. 110 минг гектар майдонда парваришланаётган экин ривожини анча яхши. Вилоят бўйича ҳар гектар майдонда ўртача 109 мингтагача бўлиқ қўчат бор. Бу ўтган йилдагига нисбатан қарийб 25 минг туп кўпдир.

Галдаги асосий вазифа - гўза қатор ораларига ишлов беришни кучайтириш. Республика ҳукумати-нинг вилоят хўжалиқларини янги култиватор, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда амалий ёрдам бу борада ўзининг ижобий самарасини берапти.

Йилги ишда вилоят ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

БИРИДА ИШОНЧ, БИРИДА ИККИЛАНИШ

-Пайкал оралаб хомчўт қилдик. 718 гектарлик галлазорларимизнинг ҳар гектари 60-70 центнердан дон беради. Хурсанд бўлиб, ўрмига киришдик.

Очиги, элда уч кун хом, уч кун оби-тобида, уч кун ўтказиб ўр, деган гап бор. Шу боис дастлабки йиғиштирилган донни Кўкон дон қабул қилиш манзилида нам, шунинг учун 4-тоифа (класс)га оламиз, дейишди. Ўйлаб қолдим. Рози бўлсам қардавр 18-21 миллион сўм зарар қиламиз. Қайтариб, куришти яна олиб боришнинг турган-битгани харажат... Кеч қуздан то ўрмигача деҳқоннинг захмати кўз олдидан ўтаверди. Хуллас, олишса 3-тоифага олишсин, йўқса «уйин» кетмайди, дея дастлабки ҳосилни одамларга ойилгу, бу йилги пилла пули ҳисобига тарқатиб юбордик. Ҳам эл хурсанд, ҳам ортиқча ташвишдан қутулдик.

ТАХЛИЛ

Шартнома баъзирилламай туриб дон олганидан баъзи ижарачиларимиз, очиги, хайрону лол ҳам бўлишди.

Баҳром Эргашев билан сўхбатимиз ана шундай бошланди. У Учқўприкдаги «Учқўприк» ширкат хўжалигининг етакчиси.

-Утган йили ҳам илк ҳосилни меҳнаткашларга тарқатувдик. Давлат буюртмаси ҳам бажарилувди. Шунинг учун бизда ширкат аъзолари икки қарра ғайрат билан ишлашди.

-Шартномани бажара олмаслиқдан чўчимайсизми?

-Мутлақо. Насиб этса 400 гектардаги ҳосил билан режа ошиб-тошади. Қолгани тағин деҳқонники.

Режани бажармасдан галла тарқатиш. Бунинг учун нафақат «кайвонилик», балки «юрэк» ҳам керак. Айниқса, раис деган лавозим арзиманган баҳона билан алмаштирилаётган хозирги маҳалда.

-Ер деҳқонники, деямиз, шундай бўлганда ҳам. Нега энди экишга, ҳосилга эгалик уники бўлмаслиги керак.

(Давоми 2-бетда)

ТААССУФ

Яқинда Чирокчи туманида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган «Қорадор - 2003» тадбири натижасида 3 жойда кўнор гиёҳванд экинни ўстирилаётганлиги аниқланди.

Бу жиноий харажатлар «Чиял» ширкат хўжалиги ҳудудида рўй берган бўлиб, аф-

1937 йилда туғилган, 6 нафар фарзанди бор, нафақада; Оқтўнли қишлоғидан, ҳовлисининг 14 квадрат метр ерида 56 туп кўнор парваришланган Роза Холлиев эса 1910 йилда туғилган, 7 нафар фарзанди бор, нафақада.

Хўш, ёши етмишининг нари-берисидagi икки кампир ва буюғи юзни қоралаб бораётган чол учун қариган чоғларида бундай номаъқулчилик нечук керак бўлди? Уларнинг

ҚОРА КЎЛАНКА

сусланарли томони, уларни кекса ёшдаги кишилар содир этганликлари қайд этилди. Жумладан, қўйхонасининг 122 квадрат метр майдонида 3782 туп кўнор етиштирилган Мусаллам Абдуллаева 1931 йилда туғилган, 7 нафар фарзанди бор, нафақада, Тўқор қишлоғида яшайди; томорқасининг 12 квадрат метр саҳида 40 туп кўнор ўстираётган Давлат Аҳмедова

қуни ўтмай қолди ми ёхуд бошқа сабаблар борми?

Чирокчи тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Бобомурод Анваров ушбу ҳолатни шундай шарҳлайди: «Юқорида номлари келтирилган қонунбузар қарияларнинг наркотик модда манбаи ҳисобланган экин ўстиришлари га эҳтиёжлари йўқ.

(Давоми 2-бетда)

ЯРАШУВ - БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Бағрикенглик, кечиримлилик халқимизнинг қон-қонига сингир кетган фазилатлардан саналади. Ҳаётда турли икки-чиқирлар, келишмовчиликлар учраб туради, бироқ инсонийлик, меҳр-оқибат улардан устундир. Шу туфайли қадимдан аждоғларимиз ўзаро ихтилофларга йўл қўймаслик, шундай вазият юз берганда, томонларни яраштириш, шу орқали низоларни бартараф этиш тарафдори бўлиб келишган.

Худди шундай, миллий қадриятларимиз, тарихий анъаналаримиз кейинги пайтларда қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Олий Махлисининг иккинчи чакирлик олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг қабул қилиниши бу йўлда қўйилган қадамдир. Бу ўзгаришларнинг самараси ўларок қонунчилигимизга «ярашув институти» тушунчаси кириб келди. Унинг жорий этилганга кўп бўлмаган эса-да, бу ҳуқуқий институтдан судлар амалиётида унумли ва кенг микёсда фойдаланилаётгани кўнарли хол. Масалан, 2002 йилда Республикасини бўйича умумий судланганлардан 9 мингга яқини ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар ва бу шахслар қонун талабига қўра судланмаган ҳисобландилар.

Албатта, фуқароларимизнинг барчаси ҳам «ярашув институти» тушунчасидан тўла боҳабар, дея олмаймиз. Шу боис айрим ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритиш билан тугалланиши мумкин бўлган жиноий ишларга айблов ҳукми чиқарилмоқда. Бунинг ортида эса билмай хатога йўл қўйган инсонлар ҳатто темир панжаралар ортида озод қўнлар илинжида кун санамокдалар.

ХУКУК

(Давоми 2-бетда)

МЕРОС

Хонада етук ҳофиз Комилжон Отаниёзов ижро этган, оҳанграб тасмасига ёзиб олинган Хоразм мумтоз ашулаларидан бири янграяпти. Салом, эй шайх махфил матлаи анвор, хуш келдинг, Салом, эй нозанинлар хайлига сардор, хуш келдинг, Салом, эй ишқ элига му-

эканмиз, тил забонсиз торлардан таралаётган садоларда юрак уриши билан ҳамоҳанглик сезасан, киши. Бундай муштараклики хар қандай қуй-қўшиқни тинглаганда ҳам хис қилавермайси. Инсон қалбини ҳайратга солиш, уни сеҳрлаш учун биргина шу соҳанинг билимдони бўлиш камлик қилади. Бунинг учун

“МАТЛАИ АНВОР, ХУШ КЕЛДИНГ”

юксак истейдод, катта маҳорат, Яратганнинг ўзи ато этган илоҳий бир қудрат ҳам бўлмоғи керак кишида. Сўз ва соз сеҳри. Ана шу кичик жумлада минг бир маъно яширинганининг боиси ҳам шундан:

(Давоми 4-бетда)

ҲАЛЛАБАНК - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

КЕЛГУСИ СОНДА:

ПАРОКАНДАЛИК

НАЖМИДДИН ҚУБРО ДУОИБАДИ

БИР ЙИЛДА УЧ САҲИФА

НУТРИЯ ГЎШТИ ШИФОБАХШМИ?

Яқинда бир танишимдан эшитиб қолдим. Чирчиқ шаҳрида "Рассвет" ширкат ҳўжалиги нутрияга ихтисослашган экан. Гапнинг очиги, эшитдинг-у, ҳўжаликка ошдиқдик.

Хўжалик асли 1990 йилда ташкил қилинган, - дейди ҳўжалик раҳбари Забиҳилло Ҳамидов. - 2000 йилга келиб ноҳор аҳолида қолди. Ишчилар бирин-кетин тарқалиб кетишди. Ҳўжалик таназзулга юз тутди, акалли бир донга ҳам нутрия қолмади. 2001 йилга келиб, ўн киши билрлашиб, ўртага маблаг ташлаб, ҳўжаликни оёққа турғазига астойдил қиришди. Нутрия боғуви аҳолидан 270 донасини сотиб олдиқ. Уларга шароит яратиб қўяйтирдик. Бугунга келиб жониворлар сони 4 мингдан ошиб кетди.

АЖАБО

Дарҳақиқат, асосий ватани Жанубий Америка бўлган нутриялар эндиликда Фарб мамлакатлари, Кавказорти ва Ўрта Осиё давлатларида ҳам иқлимга мослаштирилиб, нутриячилар ҳўжаликлари ва фермалари ташкил этилмоқда. Сут эмизувчи ҳайвонлар туркумига мансуб бў жонивор табиий ҳолда дарё, кўл, сув омборлари, кичик оқар сувларда яшаб, сувуғлири, ўсимлик илдизи ва мевалари билан озиклана, ҳўжаликлар булардан ташқари донли экинлар: жўжори, бугдой, сули, илдизмевалар: сабзи, лавлаги, шолғом, шунингдек, қарама, олма каби витаминларга бой озуқалар билан озиклантириляпти.

Хўжалик раҳбарининг айтишича, нутриянинг нафақат мўйнаси, балки гўшти ҳам ҳалол ҳисобланиб, инсон организми учун жуда фойдали бўлган турли дармондориларга бой экан. Кўп мамлакатларда нутрия гўштининг мазали ва тўйимлилиги, турли касалликларни даволаш-

Бекзод ХОТАМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Бу йил табиатнинг инояти билан галла зироатчилиги учун қулай об-ҳаво бўлди, яъни йил сербгин келди.

Қолаверса, деҳқонларнинг чин дилдан қилган меҳнати ўз самарасини берди. Натижада омбори донга тўлди, ризки баракали бўлди. Галла мўл бўлса, нон арзон бўлади. Нон арзон юрда тўкинлик, тинчлик, элнинг насибаси бутун бўлади. Энг табарруқ неъмат нон учун дон етиштирган деҳқонларнинг меҳнати ҳам улғурди. Уларнинг қилган сўй-хўрақлари эвазига мамлакатимизнинг дон хирмони кундан-кунга юксалиб бораётди.

Сирдарё вилояти Ховос тумани деҳқонлари ҳам ўтган йилнинг кузида яхши ният билан 5113 гектар ерга галла уругини сочган эдилар. Тумандаги тўққизта ширкат, 224 та деҳқон-фермер ҳўжаликлари давлатга 8400 тонна галла сотишни режа қилиб, шартнома тузган эдилар. Унданда кўпроқ ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилинди. Ерга меъёр даражасида уруғ ташланди. Ўз вақтида ундириб олишга ва агротехник тадбирларни вақтида ўтказишга жиддий эътибор берилди.

Икки йилдан буён туманимизда яхши бир тажрибани қўллаётимиз, - дейди туман ҳокими Рустам Турдиев. - Яъни, фермерни ёки ижарачи 50 гектар ер майдони бўлса, 5 гектарига галла экинни режалаштирилган. Бунда албатта деҳқоннинг манфаати кўзда тутилган. Яъни, ҳар бир деҳқон режадан ортқ галлани ўзи олади. Қолаверса, 5 гектар галлани парварши қилиш асно осон кечади ва деҳқон кўпроқ ҳосилдорликка эътибор беради. Чунки, қанча кўп ҳосил оلسа, манфаатдорлиги шунча юқори бўлади.

Шу кунларда туман далаларида галлани ўриб-йиғиштириб олиш қизгин паллага кирган. Қураётди "Кейс" ва Россияда ишлаб чиқарилган комбайнлар галла ҳосиллигини мўлғилдан бел-

гиланган кунлик меъёрдагиданда кўпроқ ўриб-йиғишмоқда. Йиғиштирилган галла, транспорт воситаларида пешма-пеш дони қабул қилиш омборларига ташилмоқда.

Бу йил галлачилик соҳасида нафақат унинг миқдорига, балки сифатига ҳам алоҳида эътибор берилаётди. Олдинг галла тўғридан-тўғри дон қабул қилиш омборларига топшириларди. Бу йил эса далаларга махсус лаборантлар чиқарилган. Улар бевосита галласи ўрлаётган майдоннинг ўзида дони текшириб кўрмоқдалар. Агар дон белгиланган талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз, ифлос ва намлиги юқори бўлса тўхтатиб қолинаётди. Сифатсиз донлар

га пухта тайёргарлик қўрилганлиги учун етти иш кунда йиллик режа бажарилди. - Бу йил ҳўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 5 центнерга ошди, - дейди бош ҳосилот Бозорбой Маматкулов. - Бу авваламбор, деҳқонларнинг қилган меҳнатларининг натижаси бўлса, шунингдек, ҳўжаликда пудратчилар билан тузилган ички шартнома талабларига тўлиқ риоя қилинаётганидир.

Шартномага кўра пудратчи режадан ортқча етиштирган ҳосилни ўзи олади. Бу шарт икки йилдан буён тўлатўқис амалга ошириляпти. Шунинг учун ижарачилар имкон даражасида мўл ҳосил олишга ҳаракат қилишади. Ишонасизми, бундан 5-6 йил аввал шу ерларнинг галла ҳосилдорлиги 14-15 центнердан ошмасди. Ҳозир эса баъзи ижарачилар 50-55 центнердан ҳосил йиғиштириб олишяпти. Демак, ҳамма гап меҳнатда экан-да.

Дилшод Раҳмонкулов, Абдубақир Аюпов, Абдунаби Исламов каби ижарачилар галла ҳосилдорлигини 40-42 центнерга етказди. Хар бири 7-10 тоннадан уйларига галла тушириб олишди.

-Мен 10 гектарга галла экан эдим, - дейди фермер С.Норқўзиев. -55 центнердан ҳосил йиғиштириб олдим. Ҳозир 10 тоннадан ортқ галла қолди. Фақат давлатга топширган галланинг ўзидан 1,5 миллион сўм соф фойда олаётиман. Уймайди дони ҳам сотсам, э-ҳе, қанча пул бўлади. Ҳозир чин дилдан ишлаган одам асло кам бўлмайди.

Шунингдек, 300 тонна режадан ортқ етиштирилган бугдой ҳўжалик омборида сақланмоқда. Бу дон ҳўжаликда ишловчиларга, ўқитувчиларга, кам таъминланган оилаларга тарқатилади. Демак, дон мўл бўлса, ҳамма ундан баҳраманд бўлади. Ховослик галлакорлар ҳам бу йил мўл ҳосил етиштириб, эл дастурхонини тўқин, халқнинг насибасини бутун қилишди.

Абдуразоқ КАРИМОВ

Уйчи туманидаги "Гулистон" ширкат ҳўжалигининг Ҳамидхон Валиев раҳбарлик қилаётган пудратчилари туманда биринчилардан бўлиб давлатга бугдой етказиб бериш шартномавий режасини ошириб бажардилар.

СУРАТДА: Ҳамидхон Валиев ва комбайнчи Ҳошимбой Абдуразоқов.

Аҳмадали ЮСУФБОЕВ олган сурат.

ЎРМОН - МИНГ ДАРДГА ДАРМОН

Жийда - жони қаттиқ гиёҳ, шўр тупроқнинг эркаси. Бу дархат кучли шўрланган жойларда ҳам бемалол ўсаверади. Эсимда, бола эдик. Қўшимчи Турсун бобо Қораун қишлоғидаги шўр жойга бир боғ ниҳол келтириб экканди. Нима, бу дега сўрагандик. Жийда, меваси минг дардга даво, деганди. Ҳамма жойда ўқиб ётибди-ку, атайлаб экиш шартми, деганди билан ўртоқларимдан бири. Бобо индамади, кулиб қўйди, ҳолос.

Ниҳоллар ўнди, ўси, катта дархатга айланган. Кейинроқ ер ўнганган жийдалар бошқа шўрроқ пайкалларга кўчирилиб, ўрнига ўйқ, олча, гилос сингари ўнлаб мевали дархатлар кўчирилди. Бугун жийдазор ўрнида бир ярим гектарлик боғ бунёд этилган. Уни Турсун бобонинг боғи, деб аташди. Мевасидан Қорақўлда тати-маган одам йўқ ҳисоб. Боғдон эса Турсун бобонинг ўғли - Нурмухаммад ака фарзандлари билан шу ерда дархатлардек томир отган. Бугун боғни жаннатга қиёслаш мумкин. Бир томони хурмо, анор, бир томони турфа гуллар, мевали дархатлар. Улкан жийда дархати эса бободан ёдгорлик мисоли боғ ўртасида қиролдек турибди.

Хамроҳим - Қорақўл ўрмон ҳўжалигининг ўрмончиси Шокир Аминовнинг сўзларини тинглаб, жийдазор оралаб кетаётганимиз эсимдан чиқибди. Қўйлагимга иллаган жийда новдаси, унинг тикони биллагимга санчилиб, хушёр тортидим. Шу баҳона атрофга тузукроқ назар ташлаш имкони туғилди. Танаси йиллар силсиласида тарам-тарам ёрилиб кетган бахайбат дархатлар қатори икки-уч йил илгари экилган жийдалар ҳам оз эмас. Дархатлар остида гиёҳ йўқ, афтидан офтоб нурларини жийда барглари тўсиб қолган. Дижат билан разм солсангиз, хаёлингиздан турфа фикрлар кечади. Ўрмон ҳаётининг ўзини эслатади. Катта, қари дархатлар танасига қурт тушган, баъзи жойлари чийрий бошлаган, ёш ниҳоллар сутга чайилгандек, бир текис ўсапти. Вақт барибир ўз ҳукмини табиатдаги жамики нарсаларга ўтказар экан-да, дейман.

Жийдазор саксовулга уланиб кетар экан. Ўрмончи айтганда ер ўта шўр, гўё тузни тупроқ юзасига челақлаб тўкиб чиққандек. Шу жойларда гиёҳ ўсаётганига тағинам лол қолсан киши.

-Агар шу саксовуллар бўлмаса Оролнинг қуриб, қақшаган қисмидан қуч олган қум бўронлари нафақат Қорақўл, балки бутун вилоят устига ёпирилиб келади. Саксовул қумли бўронлар кучини минг баробар кесади, - дейди Шокир ака илондек бурлиб ўсаётган саксовул олдига тухтаб. - Чунки бу дархат қумда чурқур томир отади, озгина сув, намлик билан узок яшайди, қурғоқчилик,

ғармсел балосига ўта чидамли. -Узоқ яшайдимки? -50-60 йил. Мана шу саксовулни анча йиллар илгари Шермухаммад Юсупов эктирган. У пайтлар техника кам бўлган дейишади. Ўрмончилар саксовул уругини хуржунларга ортиб, озукани жамгарган ҳолда чулга қиқиб кетишар экан. Туялардан сутка маъшақатларнинг махсули бу.

Ўрмончи ўйланиб қолди. -Биласизми, бугун ҳам саксовул уругини кўпайтириш, экиш давом этапти. Аммо етарли эмас-да. Манфаатдорлик паст. Ўрмончи га беписандлик ҳам бор. Бизга алоқаси борми, йўқми ҳали у, ҳали бу мажлисга боришга тўғри келади. Вақтни йўқотамиз. Бундан ташқари чинлиги тақчиллиги бизни жуда қийнаб турибди. Гоҳида ўрмончилар ўғай бўлиб қолди, демак кўяманд. Чунки ўғит ва бошқа воритлар билан разм солсангиз, хаёлингиздан турфа фикрлар кечади. Ўрмон ҳаётининг ўзини эслатади. Катта, қари дархатлар танасига қурт тушган, баъзи жойлари чийрий бошлаган, ёш ниҳоллар сутга чайилгандек, бир текис ўсапти. Вақт барибир ўз ҳукмини табиатдаги жамики нарсаларга ўтказар экан-да, дейман.

ОНАЖОНИМ ТАБИАТ



Кўпинча Қорақўлдан Бухоро, Бухородан Самарқанду Тошкентга бора туриб катта йўлнинг икки четига кўз ташлайман. Баъзи жойларга дархатлар экилганини айтмаса, асосий қисми бўм-бўш. Бу ерларнинг эгаси йўқми, деб қўяман. Очиги, қишлоқда айна шу маҳал ёғочга эҳтиёж катта. Кимдир ўғил уйлайди, қиз чикаради. Янги оилага иморат солиш қўпинча ота-оналар зиммасида қолади. Агар илгари томорқанинг бир четига дархат экиб қўйилмаган бўлса, ёғоч-тахтани у қаердан олади?

Ер эгасини топди, дегимиз. Аслида ҳам шундай. Бирор пайкалга тушиб сўранг, дарров эгасини айтишади. Аммо, шу даланинг бир четига ё катта йўл ёқасига теракми, бошқа дархатми экишни қўпам уйлаб

қўрмаймиз. Шунинг учун бозорларимизда ёғочнинг бир метр кубини фалон пул. Нарҳидан ҳаёл қочади.

Узингиз ўйланг, Бухоро - Тошкент катта йўлнинг икки чети эгасизми? Албатта, йўқ. Шу йўл ёқасида бирор дўконми, иморатми қилман денг, минг бир маҳкамдан руҳлат сўрайсиз. Катта йўл четининг ҳўжабини кўпайиб келгани. Йўл ёқасига ниҳол экишга кетганда на ҳокимлар ва на йўлсозлардан ҳўяли гап эшитиш қийин. "Шўрсуз ҳам ишимиз кўп. Асосий майдонга ишлов бериш қийин кечапти, дархатни айтасиз, э-э... Бу иш ўрмончиларнинг иши, шунинг учун ойлик, муқофот олишади". Бу амалдорларнинг гап-сўзлари, эътирофлари. Ана шу тўғайли ўрмонларимиз кам, кўпинча Россиядан ёғоч ташиймиз-да.

Кечқурун саксовулзорда қолдик. Дархат кесувчилари учратгим, уларнинг фикрини билгим келди. Кундуз ҳаво тандирдек эди, тунда салқин тушди, елкага мезбонларнинг чопонини ташладим. Ўрмончи чирсиллаб ёнаётган оловга тикилганча гурун берапти. Ҳамроҳларим сўхбатга берилган.

-Икки-уч бор "мавёга"га чиққан, ўрмончи билан гурунлашган одам, буларга мазза экан-да, деб ўйлайди. -Тўғри айтасиз. Шу боис кўпчилик амалдорлар курсидан кетгач, бир юмалаб ўрмончига айланади. Озгина раҳбар бўлгач, биладикки осон эмас. Ўрмон ҳўжалиги директорлигини ё ташлаб кетади, ё "касал" бўлиб юраверади.

-Мен сизга айтсам, охириги пайтлар кадрлар қўнимсизлиги, соҳага алоқасиз одамларнинг ўрмон ҳўжалиқларига раҳбар бўлиши қўпайиб кетди-ёв. Эътибор беринг, қўпчилик ўрмон ҳўжалиги директорлари илгари ё ҳоким, ё вазир бўлган. Ишдан кетгач, ўрмон ҳўжалигига бошлиқ бўлиб ўтади.

-Бу гапни секинроқ айтинг... Эшитган қўлоққа яхши эмас. Рост. Бу яхши гап эмас. Шу боис эшитмаганга олдим. Оқшом ҳам, эр талаб ҳам бу мавзуга қайтмадик. Фақат маблаг етишмаслиги, ўрмонларни қўпайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, айбдорлардан жарималарни зудлик билан ундириш, буларнинг бари бош масала - кадрлар билан боғлиқмикин, дейман.

Қорақўлдан қайтаямна уйлайман. Шамол бўлмаса, дархатнинг учини қирирмайди. Нега биз, сиз, улар ўрмон билан боғлиқ бор ҳақиқатни қўпинча унутиб қўямиз.

Абдунаби АЛИКУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Бухоро вилояти Олот туманида "Олоттекс" ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ишга тушди. Қўшма корхона Швейцариянинг Vimatex фирмаси иштирокида ташкил этилди.

Бухоро вилояти Олот туманида "Олоттекс" ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ишга тушди. Қўшма корхона Швейцариянинг Vimatex фирмаси иштирокида ташкил этилди.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

"Олоттекс" ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси Олотда ўзининг тўққимачилик фабрикасини барпо этди. Қўшма корхонада ўзбекистон томони улуши "Бухоро-текс" АЖ филиали ишлаб чиқариш қувватларидан иборат бўлади.

7,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа қўшма корхона низом сармояси маблағлари ва "Асакабанк"нинг 5 миллион АҚШ доллари миқдоридики кредити ҳисобига амалга оширилди. Қўшма корхона йилга 2 минг 985 тонна пахта ич калаваси, ўн минглаб погон метр газламаларни ишлаб чиқаради.

Бундан ташқари Vimatex Қорақалпоғистоннинг Бегуний ширкатидаги "Райхон" АЖ негизидики ана бир қўшма корхонанинг муассиси бўлди. Тўққимачилик корхонасининг йиллик лойиҳа қуввати 4 минг тонна пахта-ич калавасини тайёрлашдан иборат. Лойиҳанинг қиймати 7,3 миллион АҚШ доллари тенг.

"Туркистон-пресс"

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

МОСКВА: ТЕРРОРНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Москва шаҳрида навбатдаги террорнинг олди олинди, дея хабар беради "Интерфакс" агентлиги.

Афтидан келиб чиққан кавказлик бўлган аёл "Имбирь" ресторанида милиция ходимлари томонидан текширилмоқчи бўлганида, сумкасида портловчи модда борлигини айтиб, пўписа қилган. Лекин теккорлик билан қилинган ҳаракат тўғайли аёл ҳибсга олиниб, унинг сумкаси кўчага олиб чиқилган.

Дарҳол ресторан атрофида яшовчилар ҳалокатдан оғохлан-тирилиб, сумка махсус робот ёрдамида ўрганиб чиқилиб, портловчи модда йўқ қилинган. Шундан сўнг унинг тула зарарсизлантирилганлигини текшириш чоғида портловчи модда қолдирининг портлаши боис, Федерал ҳавфсизлик хизмати (ФСБ) ходими ҳалок бўлди. Мутахассислар фикрича, 2 килограмм тротилдан тайёрланган қурилма ресторан ичида ишлаб кетганида қурбонлар сони ўндан ошиб кетган бўлар эди. Ҳозирда террорчи аёл сўроқ қилинмоқда.

ИНСПЕКТОРЛАР ЭРОНГА БОРИШАДИ

Халқаро атом энергетикаси ташкилоти (МАГАТЭ) раҳбари Мухаммад ал-Барадеи келгуси ҳафтада ўз инспекторларини Техронга юбориш масаласи бўйича Эрон ҳукумати билан келишувга эришилганлигини маълум қилди.

Унинг айтишича, гарчи Техроннинг ядровий қуролларни тарқатмаслик шартномаси бўйича қўшимча протоколга имзо чекиш масаласи аниқ бўлмаса-да, ласини келгуси ҳафта инспекторлар Эронга юборилишлари, шубҳасиз. Агарда протокол имзоланадиган бўлса, инспекторлар шубҳа уйғотган ҳар қандай объектга оғохлантирмадан кириб бориши ва текширув ўтказиш ваколатига эга бўладилар. Айна пайтда эса Техрон олдидан келишган ҳолда ва маълум бир чекланган объектларгагина тафтишчиларнинг киришларига рухсат берган, ҳолос. АҚШ эса Эронни кўлдан буён ядровий қуролларни тарқатмаслик шартномасига амал қилмаслиқда ва яширин тарзда ядро қуролни устида иш олиб боришда айбала келмоқда.

СОБИҚ ВАЗИР УШЛАНДИ

Ироқда турган Америка аскарлари 55 кишилик "қора рўйхат"даги икки кишини ҳибсга олганлар.

Уларнинг бири Собик Президент Садам Хусайн даврида ички ишлар вазири бўлиб фаолият юритган Махмуд Диб ал-Ахмад бўлса, иккинчиси Собик Баас партиясининг юқори мартабали вакили, революцион қўмондонлик кенгаши аъзоси Миъзбан Хадр ал-Хадидир. "Қора рўйхат"дан 23-рақам остида ўрин олган ал-Хадиди ўз хоҳиши билан таслим бўлган бўлса, 29-рақамли ал-Ахмад махсус операция чоғида ушланган. Шунингдек, ал-Ахмад Ироқда ҳарбий операциялар бошланганидан сўнг иттифоқчиларга қаршilik қўрсатиш бўйича тўртга бўлинган Садам қўларининг бирига қўмондонлик қилган эди. Ҳозирга қадар 55 кишилик рўйхатдагилардан 34 нафари ушланган бўлиб, улар орасида энг юқори мартабалиси Садам Хусайннинг шахсий котиби сифатида иш юритган, рўйхатда 4-урини банд этган Обид Хамид Махмуд ал-Тикритидир.

ГОНКОНГДА АВТОҲАЛОКАТ

Хитой жанубидаги Гонконгга юз берган автоҳалокат 22 кишининг ўлимига сабабчи бўлди, дея хабар беради "Ассошиэйтед-Пресс" агентлиги.

Маълум бўлишича, йўловчиларни олиб кетаётган икки қаватли автобус кўприк устида юк машинаси билан тўқнашиб, 50 метр пастликка қулаган. Йўловчилар 10-55 ёш ораллиқда бўлиб, уларнинг кўпчилигини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Ҳозир воқеа жойида кўпчилик ва ҳалокат сабабларини ўрганиш ишлари олиб бориламоқда. Жабрланган 20 кишига эса тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

ИНТЕРНЕТ ҳафталари асосида тайёрланди.

Дехқон ва фермер ҳўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узузморлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дархатлар ҳосилини турли зараркунанда ва хашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, энгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқҳўжаликмасхолодинг" компанияси таркибидики "Агрихим" ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келинапти.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.

МАҲАЛЛАГА ГАЗ КЕЛДИ

Учқўрғон туман "Соҳил" маҳалласига табиий газ келди. 836 метр масофага газ қувурлари тортилиб, аҳолига катта қулайликлар яратилди. Бу ишга 5 миллион 100 минг сўмлик маблаг АҚШ "Mercy Corps" ташкилоти томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида берилди.

Янги газ шохобчасининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган маросимда сўз олганлар кўрсатган ёрдамлари учун америкалик дўстларимизга миннатдорчилик билдиришди. Юқоридаги ташкилот вакили Чарлз Батс маҳалла аҳлини бу ерда "зангори олов" порлаши билан табриклади.

Энди тумандаги "Ниҳол" сихатгоҳи ҳам табиий газдан баҳраманд бўлади.

"Туркистон-пресс"

Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққати! "Емгойтамаксаноат" уюшмаси таркибидики Қўқон шаҳар мавсۇлияти чекланган жамият шаклидаги

EFFECTIV OIL

хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда

МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКЛАРИНИ СОТИБ ОЛАДИ

Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шиғобахш доридармон ёлларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар. Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қўйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишигиз мумкин:

Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53
Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83

Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-Бозор кўчаси, 94-уй.

(Боши 1-бетда)

Сочинг фикри билан диллар паршон ўлгонин англаб, Лабинг ёдида бағрим тах-батах кон ўлгонин англаб, Сахарлар жон куши шавқингда нолон ўлгонин англаб, Йўлингда ойу йил кўлар нигоҳбон ўлгонин англаб, Соғинган дейдаларга кўрсатиб дейдор, ўлгонин англаб, хуш келдинг.

Хар бир сўзга юклаган маъно, ўхшатиш ва муволажалар сизни ҳайрат дунёсига олиб киради, қалбингизга ўзгача сурур бахш этади. Беихтиёр ҳаёл уммонига чўмганингизни сезмайсиз. Қўшиқ оҳанглари рунгингизни Арши аъло қадар юксакларга олиб чиқади. Куй яна авж пардаларга кўрилади боради: Фалак тоқии неча ўз манзариди

Неча ойу кўёш ўз буржиди ишва соз ўлсин, оламнавоз ўлсин, тароватда надими дарғақинг хар сарвиноз ўлсин, Ошиб хар лаҳза хуснинг раванки, умринг дароз ўлсин, Муродим жомидин ич, бодайи саршор, хуш келдинг.

Ўз даврида бетакрор гўяндлар, воҳа сандатининг мангу чинорлари бўлган Ўзбекистон халқ артисти Хожикон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшўжурвалар томонидан ўзинга хос услубда куйланган "Хуш келдинг" ашуласи айни кунларда ҳам камолот даражасига етган санъаткорлар томонидан ижро қилинмоқда. Хоразмда созандалар ўртасида ажиб бир аънамага айланган кетган қатъий интизом бор. Санъаткорлар қатнашган кичик дав-

юбилейга тайёргарлик кўриш, шоир асарларини нашрга тайёрлашда ўз хиссасини қўшади.

1937 йил каттағони бу соддалик шоирни ҳам четлаб ўтмади. Партав лотин алифбоси ва рус тилини билмаганлиги, асарларни араб ёзувида ёзганлиги ва асосийси "Тухачевский яхши саркарда эди", деб айтганлиги учун қамоққа олинган. Мангалига "Халқ душмани" тамгаси босилган шоир 1937-43 йилларда Тошкент, Қарағанда, Пахтазор турлариди бўлиб, оғир ишларга жалб қилинади.

Шоирнинг муддатидан олдин қамоқдан озод бўлишида машҳур хофиз Жўраҳон Султон сабабчи бўлган. Пахтазорга ўз жамоаси билан концерт беришга борган Жўраҳон ака тасодифан Партавни кўриб қолади ва унга бошидан кечирган воқеаларни шеърда тасвирлашни маслаҳат беради. Бир ҳафтадан кейин Жўраҳон Султонон Партав турган лагерга концерт бериш учун келади. Ўша ерда шоир ўзининг машҳур "Сувора" усулида ёзган "Нихондурман" мухаммасини Жўраҳон акага тақдим этади. Мухаммаснинг дастлабки бандлари хақиқатан ҳам тузумнинг шоир бошига ёдигран қулфатлари бадийий ифодаси эди. Этиб гору панода дийдаи элдин ин

Хондурман, Жунун тугёнидан тийри маломатга нишондурман, Бу ҳолат бирла гар офсонаи ақли замондурман, Кезарман ишқ шаҳристониди бир корвондурман, Матон хусн олурга жон бериб хар су равондурман.

"Нихондурман" бир қарашда адабиётимиздаги анъанавий усул – севги, ишқ-вафо, гўзаллик ва поклик, муҳаббат ҳақидаги таронадек туюлади. Аммо унда "ошиқ"нинг "гирифтори бало" экани "афсо" тиги билан бағри қонлигини юксак маҳорат билан ифода қилган, шоир қалбидидаги гам аламларни, тузумнинг унга берган жабр зулмларини ҳеч бир воситасиз аёнлаш мумкин.

"МАТДАЙ АНВОР, ХУШ КЕЛДИНГ"

ралардан тортиб, катта тўй-томошаларгача машҳур "Сувора" йўлида айтлайдиган Навоийнинг "Шитоб айнаб", "Аржуманд этмас", "Фузўлийнинг "Муҳаббат жомидин", Феруз куйи билан хониш қилинадиган Отаҳижиннинг "Устина", "Қошу кўзинг" радиблик газаллари билан бошланиб, Маҳтумқўлининг пурмаёно шеър, мухаммаслари, Машрабнинг ўйноқи газаллари билан авжланади, замонавий куй-қўшиқлар билан ниҳояланади. Бундай давраларда она суворалар қатори "Хуш келдинг" каби муҳаммаслар ҳам қўйилмади қўймади.

Шеърятимизнинг мутуз намуналари қаторига кирувчи маъзур дурдоналар муаллифи ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида кўпчилик тўла маълумотга эга эмас.

У ўтган асрнинг 30-йилларида адабиёт ихлосмандларига яхши таниш бўлган шоир – Ота маъзур Муҳаммад Латиф ўғли Партавдир. Урганч давлат университети профессори Н.Қобуловнинг эътиҳона, Ота маъзур 1906 йилда Хива шаҳрида мударрис оиласида дунёга келган. Отадан эрта айрилганлиги сабабли қариндоши, ўз даврининг пешкада шоирларидан бўлган Аваз Утар хонадониди тарбия қўради. Оллоқўлиҳон мадрасасида таълим олади. Ота Партав қизгин адабий муҳитда камол топади ва Аваз Утарнинг таъсирида ёшлигидан адабиётга меҳр қўяди. Ота маъзур 1920 йил Хоразм инқилобидан сўнг ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатиб муаллимлик қилади. "Инқилоб кўёши", "Коммуна" газеталарида фаолият кўрсатади, театрларда адабий эмакдош бўлади. У "Хоразм хабарлари" газетасининг 1921 йил 21 ноябрда босилган "Аё дўстлар, билинг бир яхши даврондур" шеъри билан муҳлислар эътиборига тушади. "Партав" (офтоб, нур, шўъла, порлок, равшанлик) тахаллуси билан ёзган "Наборчи йигит тилидан", "Хор ўлмасин", "Лаҳза-лаҳза", "Йиллар", "Чаманзор Ватан", "Меҳнат" каби шеърлари шоир ижодининг дастлабки босқичида алоҳида ўрин тутади.

1937 йилда Хоразмга борган мамлакат раҳбарлари Ота маъзур Партав истеъдодидан хабар топиб, уни ўзи билан Тошкентга олиб қайтади. Шоир ўша йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кўнлигини тайёрлашда фаол қатнашади. Айни пайтда олим ва шоирлардан Мирзо Абдулла Нарсийдин ўғли – Бокий, Порсо Шамсиев, Хамид Олимжон, Фафур Фулом, Ҳабибий домлар билан биргаллик Алишер Навоийнинг кенг миқёсда нишонланадиган 500 йиллик

Сўрашгин арзи хол эй фитнагар, мафтун ўлонлардин, Хусусан, май каби кўп ўртаниб дилхун ўлонлардин, Рухинг шавқиди, эй Лайливашин Мажнун ўлонлардин, Вафо расмин тугиб ол бир хабар маъзур ўлонлардин, Тариқи ишқ аро вобасталардан бир нишондурман.

Хофиз Жўраҳон ака икки-уч кун ичида мухаммасни тўла ёдлаб, Усмон Юсупов олдиди ижро қилади. Шунда давлат раҳбари ашулани хоразмлик шоир Партав қаламига мансублигини англаб, "у қаерда юрибди, нега қўрнмай кетди?", деб сўрайди. Машҳур хофиздан бор ҳақиқатни эшитган Усмон Юсупов шу кунёқ Олий судга кўнжирок қилади.

Партав қамоқдан чиқиб, тўғри Усмон отанин олдиға боради. Усмон Юсупов уни яхши қабул қилиб, кийим-бош, озик-овқат билан таъминлайди ва Янгийўлда ташкил қилинган театрга адабий эмакдош қилиб жойлайди.

Хоразмликлар ўз диёрига темир йўл қелишини орзиқиб кутган эдилар. Шу сабабдан 1950 йилда минг-минглаб хоразмликлар бу улкан курилишда иштирок қилди. Партав ҳам дўсти Зокиржон Ҳабибий билан бирга қурилишда бўлиб, бир қанча шеърлар, хусусан "Олқиш" мустахзозини ёзади. Уни буюқ хофиз Комилжон Отаниёзов бандан авж билан ижро қилган. Партав умрининг охиригача Республика халқ ижодиёти уйдиди олдиди хонди қурилишда иштирок қилди. Партав ҳам дўсти Зокиржон Ҳабибий билан бирга қурилишда бўлиб, бир қанча шеърлар, хусусан "Олқиш" мустахзозини ёзади. Уни буюқ хофиз Комилжон Отаниёзов бандан авж билан ижро қилган. Партав умрининг охиригача Республика халқ ижодиёти уйдиди олдиди хонди қурилишда иштирок қилди. Партав ҳам дўсти Зокиржон Ҳабибий билан бирга қурилишда бўлиб, бир қанча шеърлар, хусусан "Олқиш" мустахзозини ёзади. Уни буюқ хофиз Комилжон Отаниёзов бандан авж билан ижро қилган. Партав умрининг охиригача Республика халқ ижодиёти уйдиди олдиди хонди қурилишда иштирок қилди.

НУКУС ШАҲРИДА МУҲТАШАМ САЊАТ МУЗЕЙИ МАВЖУД. ЎЗИДА ҚОРАҚАЛПОГИСТОННИНГ НОДИР САЊАТ АСАРЛАРИНИ ЖАМУЛЖАМ ҚИЛГАН УШБУ МУЗЕЙ ИГОРЬ ВИТАЛЬЕВИЧ САВИЦКИЙНОМИ БИЛАН АТАЛАДИ. ХУШ, НЕГА ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДАГИ МАШҲУР САЊАТ МУЗЕЙИГА ЎЗГА МИЛЛАТ ВАКИЛИНОМИ БЕРИЛГАН?

И.В.Савицкий асли кивелик. 1946 йилда Москвадаги тасвирий санъат институтини тамомлаган. Бирок ҳаётининг асосий қисми Қорақалпоғистонда кечди. У дастлаб II жаҳон уруши даврида Самарқандда маълум муддат ашгаган, бу ердаги К.Истомин, Р.Фальком, Н.П.Ульянов каби расмолар билан танишиб, Ўрта Осиёнинг бетакрор бой маданий ёдгорликлари мафтунига айланди. Айниқса, Игорь Витальевичнинг 1952-1957 йилларда С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм тарих ва этнография экспедициясида қатнашиши унинг ҳаётида ўзгарши ясади.

Ўшанда экспедиция Қорақалпоғистон ҳудудидаги антик давр Хоразм қалъаларини ўрганар экан, Савицкий бу ўлқанинг мўъжизавий, бетакрор табииоти, қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, яшаш тарзи билан гўт кизиқиб қолди. Шу билан бирга расмол сифатида қўллаб тасвирий санъат асарлари яратиб, уларни Нукус

САВИЦКИЙНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН ҚОРАҚАЛПОҚЛАР

ва Тошкентдаги кўрғазмаларда намойиш этди.

Дастлаб 1956 йилда Қорақалпоғистон илмий-тадқиқот институти маъмуриятида, кейинчалик эса тарихий ўлкашунослик музейида ишлаб туриб, ҳам расмол сифатида қорақалпоқ халқи ҳаётини турфа рангларда тасвирлади, айни пайтда амалий санъат дурдоналарини тадқиқ қилиш, тўплаш устиди фаолият олиб борди. Шунингдек, ана шу асарларни ўз ичига оладиган санъат музейини очиб ташаббуси билан чиқди.

Игорь Витальевич "Куйи Амударё бўйлариди, бу халқ янги ўтмишда, қўмлик орасида бағоят зўр санъат яратганлиги билан менни ҳайратга солди", дея қорақалпоқ халқига таъриб берганди.

У ана шу халқ амалий санъатини тўплаш ва ўрганиш учун Ёсағайли, Чимбой, Қўнғирот, Мўйнок, Тахтақўпир туманларини, бутун Қорақалпоқ

дирини ҳам энига, ҳам бўйига кезиб чиқди. Сафар давомиди тўплаган дурдоналарини эса Тошкент, Москва шаҳарларида кўрғазмаларда намойиш қилиб, қорақалпоқ халқини жаҳонга таништи йўлида фидойиларча хизмат қилди.

Шу билан бирга 1965 йилда "Фан" нашриётида "Қорақалпоқ халқ амалий санъати: ёғоч ўймақорлиги" номли китобини нашр эттириб, бу борада яна бир янгилликга қўл урди.

Ана шундан кейингина Қо- рақалпоғистон Республикасида давлат санъат музейини очиб амалий тус олиб, унга илк раҳбарлик Игорь Витальевичдек хассос расмол ва санъатшуноснинг зиммасига тушди. Натихада қисқа мuddат ичида Савицкий бошчилигида тўплаган экспонатлар сониди 50 мингдан ошиб кетди.

Унинг фақат санъат асарларини тўплаш фаолияти туғайлигина қўллаб дурдоналарнинг йўқолиб кетиши олди олинди ва қорақалпоқ

халқ амалий ҳамда тасвирий санъати ривожланиб, юқори босқичга чиқди.

И.В.Савицкий пейзажчи расмол бўлгани боис, К.Саипов, Ж.Қутимуратов, Д.Туралиев, А.Атабоев сингари қорақалпоқ расмоллари уни устоз деб билишар, қўллаб археологлар экспедицияларда топилган санъат асарларини музей учун тақдим қилишди.

Табийики, Қорақалпоғистон ҳукумати И.В.Савицкийни Бердақ номли музей билан тақдирлади. Вафотидан сўнг эса ўзи асос солган музей ҳам унинг номи билан аталди.

Ҳа, расмол, археолог ва санъатшунос И.В.Савицкий (1915-1984)нинг Қорақалпоқ халқи олдидаги хизматлари унутулиб кетмади. Зеро, у шундай эъзозга сазовор ишлар қилиб кетганди.

Умид БЕКМУХАММАД

УНИНГ 95-98 ФОЗИИ СУВДАН ИБОРАТ. СУВ БЎЛГАНДА ҲАМ ТАБИАТ ТОМОНИДАН "ДИСТИЛЛАНГАН" МУСАФФО "ТИРИК" СУВ.

Чанқаб турганинда, барра, ям-яшил бодринг нима етсин. Аммо, пишиб кетган бодринг ҳам шифо ўрнида тавсия этилади. Пишган бодринг қайнатмаси жигар хасталиклари ва сарик касаллигида яхши наф келтиради.

Сабзи ва қизилча ширалари билан аралашмаси ўт пуфаги, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларни тозаловчи омил бўла олади. Пектинлар ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди ва холестеринни танадан ҳайдаб чиқаради. Бодринг таркибиди калий, кремний каби моддаларнинг тери, соч ва тишларни соғлом ҳолатда сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда аҳамияти беқисбодир. Бодрингга энгил ҳам қилинади бундан йод ҳам мавжуд. Бодринг кўп истеъмол қилинса, қалқонсимон без касалликларига чалиниш хафи қамаяди.

Унинг гуллари ҳам шифобахш, қайнатмаси беэганик даволашда қўлланади. Гарчи бодрингга дармондорилар унча кўп

БИЛАСИЗМИ?

Бўлмаса-да, таом ҳазм қилишда, айниқса оксилли таомларнинг ҳазмини яхшилашда нафи кўп, гўшти таомлар бодрингли салатлар билан дастурхонга тортилишининг сабаби ҳам шунда.

Бодринг иштаҳани очади, ёғлар ва оксилларнинг сўрилишида ёрдам беради. У сурғи дори сифатида ҳам ишлатилади. Айниқса, суррунқали казбиятда қони фойда.

Халқ табабатида янги шираси асабини тинчландирувчи, ошқозон-ичак хуружиди оргрик колдирувчи воситадир. Унинг шираси асалга аралаштириб истеъмол қилинса, юқори нафас йўллари ва йўталда даво бўлади. Бунда 3 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Майдаланган бодринг терининг куйган қисмига қўйилса, малҳам бўлади. Шираси ва дамлама кўйиб билан бирга юздаги баъзи пигментсион доғларни, бўжамаларни кетказишда қўлланади.

Зуҳра РИХСИЕВА тайёрлаган.



Б.АКРАМОВ олган сурат.

ЎКИНГ, ҚИЗИК БЎЙДАН ҲАМ БЕРГАН ЭКАН

Сайёрамиздаги энг алп кишилар ким бўлган, биласизми? Улар атғии еттига.

Масалан, 1714-1749 йилларда яшаган голландиялик Даниэл Каялуснинг бўйи икки метр саксон уч сантимоетр бўлган. Бир пайтлар энг бўйи узун хўсбондан Иван Степанович Лушкиннинг бўйи икки метр ўн уч сантимоетр бўлган. Америка фуқароси Роберт Першин Уздолдининг бўйи беш ёшида бир метру олтиш икки сантимоетр бўлган бўлса, ўн ёшида бир метр тўқсон уч сантимоетрга етиб, ҳаммани ҳайрон қолдирган. Араб миллатига мансуб Саид Муҳаммад Фозил (1909-1941) йилларда Александрияда яшаган, бўйи икки метр олтиш тўққиз сантимоетр эди.

1932 йили туғилган америкалик Джон Кэрротнинг бўйи икки метру олтиш уч сантимоетр бўлган. 1926 йилда туғилган Жон Келлернинг бўйи икки метр, кирк тўққиз сантимоетри ташкил этган. 1909-1961 йилларда яшаган дароз Умар Милориненнинг бўй-баста, икки-ю қирқ еттига тенг эди.

Оламдаги энг новча аёл - 1946 йили туғилган америкалик Долорес Эни Паллардир. Унинг бўйи 1961 йили икки метрга, 1969 йили эса икки метр, йигирма тўққиз сантимоетрга етган.

ЖАСАД ЎГИРЛАНДИ

Машҳур кишиларнинг жасадини ўғирлаш - учраб турадиган ҳодиса. 1976 йили номаълум ўғирлар Чарли Чаплиннинг майитини қазиб олишиб, қайтариб бериш эвазига айбанд қилган миздорда пул сўрашган.

Шунда марҳумнинг бебаси: "Эрим менинг юрагимда, у мангун тирки, руҳи эса само бағридани жол олма, мен учун жасад билрамчак эмас", дея ўғирларнинг талабларига қўрқмасдан қаршилик билдирган. Майит ўғирлари Чаплиннинг бебасидан ҳеч қандай фойда ололмаган, тобутни ташлаб кетишга мажбур бўлишган.

Кидирбой Тўлабоев тайёрлади.

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

Тўй-маърака, яхши кунларда меҳмонлар "бизни ҳам шундай кунларга етказсин", дея тўйхонадан ният қилиб бир тилшан мон ёки бошқа бир нарсага чўнтағига солиб кетади.

Элга таникли, ҳалолу пок донишманд кишилар меҳмон бўлиб ўтирган тўшқача яхши ният билан гўдақларни юмалатиб олишади. Яхши ният-ли одам атрофга нур таратаётган чирқоқ ўхшайди. Ёмон ниятли қимса эса ичичи қурум босган тўзайди гап.

Одамнинг кўнгли муза бўлмаса, аввало, ўзинга қийин, - дейди Хусниддин ота ва ўзи йигитлик даврида гувоҳ бўлган бир воқеани эслайди.

Ўшанда Мели раисга шофёр эдим. "Виллис"да олиб юрардим. Мели ака дамига ош пишадиган раислардан эди. Лекин... ер бориб етказмасин-у феъли ёмон эди. Одамларни ёмон гаплар билан сўкарди. Кек сақларди, гаразгўйор эди. Касд қилган одамни тинч қўймасди, зимдан пайини

қиркарди. Шаҳарда иккинчи хотини бор эди, икки-уч кунда обориб турардим. Одамлар унинг шу хотинбозлигини қоралаб юқорига ёзишди. Бир амаллаб кутулиб қолди. Юқорига хат ёзган одам ўқитувчи эди. Қаранг, уйда кечкурун беҳосдан ўлиб қолса бўладими? "Раис ўлдирибди юборди", деган гаплар ҳам чиқди. Шундан кейин раисни ҳам ишдан олишди. Колхозга эса МТСни директорини вақтинча раис қилиб қўйишди. Янги раис шу қишлоқ бўласи, яхши одамларнинг фарзанди эди. Мели раис қўймади, пора тикиб, яна раис бўлиб олди. Лекин МТС директорини ҳадиксираб юрди.

Бир кунги галати иш бўлди. Киш-лоримизда Гена деган механик уста бўлардим. Раис шуни чақиртириб, "турингни олиб кел, балиқ ушлайсан", деб қолди. Қаердан балиқ тураркин, деб тургандим, "Саткакча хайда", деди.

Яқин жой. Коронгу тушиб қолган. Раис Генага "Сен балиқ ушлайвер", деб шу ердаги чўйхонага кириб кетди. Эсим оғиб қолай деди. Саткак чашмаларидан ҳосил бўлган ховулардаги балиқлар табарқуқ саналиб, уларни тутиб ейиш қатта гўноҳ ҳисобланар, хатто бу балиқларни билмай еб қўйган одам ё жинни, ё бирон халокатта дучор бўлади, дейишарди. Буни раис ҳам биларди. Айтишга ботинолмадим. "Виллис"дан тўшмай ўтираведим. Бир зумда Гена кўна кадамжо ховуларидан ўзидан нур чиқариб турадиган табарқу балиқларни тутиб келди. Тол шоиға тумшугидан қатор қилиб илинган балиқларни кўриб, қўзимдан ёш чиқиб кетди. "Нахотки, раис шу азиз балиқларни қўрмай эса-я", деб ўйладим. Раиснинг гараз нияти борлигини эса кейин билдим.

Колхозимизга янги комбайн келган эди. Уни олишга қўмақлашгани учун раис миннатдорчилик билди-

<p>Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Айтига АДИЛОВ, Комилжон МАМАХОЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ёрдамчиси ўринбосари), Фафур ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87</p>	<p>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Ферғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар Навбатчи: ДУЛУФМУРОДОВ</p>
--	---	--	---	---	---	--	--